

# ФАН ЭТИКАСИДА ОЛИМНИНГ ИЖТИМОЙ ВА ИЛМИЙ МАСЪУЛИЯТИ

## СОЦИАЛЬНАЯ И НАУЧНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ УЧЕННОГО ПО НАУЧНОЙ ЭТИКЕ

### SOCIAL AND SCIENTIFIC RESPONSIBILITY OF THE SCIENTIST IN SCIENTIFIC ETHICS

Усмонов Фаррух Насирдинович фалсафа фоктори (PhD),  
ТАТУ Самарқанд филиали Гуманитар ва ижтимоий фанлар кафедраси  
мудир. E-mail: [usmonov@samtuit.uz](mailto:usmonov@samtuit.uz)

**Аннотация:** Мақолада фан этикаси тушунчаси, фалсафа тарихида фан этикасига доир файласуфларнинг қарашлари ҳамда олимнинг ижтимоий ва илмий масъулияти хусусиятлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** фан этикаси, олим, ижтимоий масъулият, илмий масъулият, каифиёт, билим, ақл, объективлик.

**Аннотация:** В данной статье освещены понятие этики науки, философские взгляды касательно этики науки в истории философии, а также характерные особенности социальной и научной ответственности ученого.

**Ключевые слова:** этика науки, учёный, социальная ответственность, научная ответственность, изобретение, знание, разум, объективность.

**Resume:** This article highlights the concept of ethics of science, philosophical views on the ethics of science in the history of philosophy, as well as the characteristic features of the social and scientific responsibility of a scientist

**Key words:** ethics of science, scientist, social responsibility, scientific responsibility, invention, knowledge, reason, objectivity

Илм-фан билан шуғулланишда олимнинг фаолиятини жамият томонидан тан олинган ахлоқий қадриятларга қай даражада мос эканлигини кўрсатувчи мезонлар, унинг фаолиятидаги мазмуни ва аҳамияти жиҳатидан этикага алоқадор масалалар фан этикасида намоён бўлади. Фан этикаси фаннинг ўз олдига қўйган асосий мақсадини илмий тадқиқотлар жараёнида амал қилувчи ахлоқий нормаларни тушунтириш ва ўрганишдан ҳамда фанни илгари силжитиш жараёнида жамиятда рўй берадиган одоб-ахлоққа оид масалаларни таҳлил этиб боради.

Фан этикасининг яна бир муҳим вазифаси фанни тадқиқ этувчи олимнинг ахлоқий қиёфасини тарбиялашда, унда инсон ва инсоният тақдири учун жавобгар эканлигини англатувчи масъулият туйғусини тарбиялашдан иборатдир [1]. Фан муайян олимлар томонидан амалга оширилувчи фаолият тури сифатида намоён бўлади. Баъзан фан ҳатто олимлар бажарадиган иш сифатида ҳам таърифланади. Олимлар асосан тарқоқ ҳолда ёки муайян илмий жамоа бўлиб фаолият олиб борадилар. Уларнинг айримлари махфий лабораторияларда ишласа, айримлари мураккаб ҳисоблаш ва исботлашлар билан шуғулланади. Олимларнинг ҳаммаси асосан ўз ҳамкасблари тушунадиган тилдан фойдаланади. Айни вақтда кашфиёт муайян олимнинг шахсий ҳиссасидан қатъи назар у ёки бу тарзда амалга оширилгани ҳақидаги тасаввур ўрнини назария ортида муайян олим, файласуф ёки мутафаккир шахси туришини аниқ тушуниш эгаллаб бормоқда. Кашфиёт инсонга дунёни мутлақо бошқача кўриш, нарсаларга янгича назар ташлаш, бошқача фикр юритиш имконини беради. Инсон дунёни, ҳодисаларни бошқача, янгича тасаввур қилади, чунки катта кашфиётлар илмий тасаввурлар тизимини ўзгартириб юборади. “Кашфиёт – ижодий ҳаракатдир. Унга олдиндан маълум ва таърифлаб бўладиган жараёнларни кунт билан ўрганиш орқали етиб бўлмайди; таъриф бериш қийин бўлган эвристик эҳтирослилик импульсига таяниб, биз муаммо ва унинг ечими ўртасидаги узилишни бартараф этишимиз шарт”[2: 208]. Демак, одатдаги тушунчалар тизими ёрдамида кашфиёт қилиш мумкин эмас экан, шу ўринда олимнинг ижтимоий ва илмий масъулияти намоён бўла бошлайди.

Фалсафа тарихида олимларнинг масъулияти хусусида турли алломалар ўз қарашларини баён қилиб ўтишган. Шарқ Уйғониш даврининг қомусий олимларидан бири Муҳаммад ал-Хоразмий, “Ўтмиш даврларда ўтган олимлар фаннинг турли тармоқлари соҳасида асарлар ёзиш билан ўзларидан кейинги келадиганларни назарда тутардилар. Улардан бири уни ўзидан кейин келувчиларга мерос қолдирадилар, бошқаси ўзидан аввалгиларнинг асарларини шарҳлайди, бу билан қийинчиликларни осонлаштиради. ...

Ўздан аввалгилар ҳақида яхши фикрда бўлади, такаббурлик қилмайди ва ўзи қилган ишдан мағрурланмайди”[3: 59], деб таъкидлайди.

Шарқнинг буюк алломаси Абу Райхон Беруний ўзининг катор асрларида илмий кадриятларнинг туб асослари инсон табиати ва жамиятнинг ривожланиш эҳтиёжларида эканлигини кўрсатди. Унинг ёзишича, инсон табиати шундайки, у яширин, сирли нарсаларни билишга интилади. Билиш истаги инсонга Аллоҳ томонидан ато этилган мақтовга лойиқ сифатдир. Беруний бу интилишни юксак ахлоқий фазилат, одиллик деб баҳолайди. Билишни истамаслик ёки воқеликни бузиб талқин этишни, илм олишга тўсқинлик қилишни адолатсизлик, золимлик деб билади. Берунийнинг фикрича воқейликни илмий билишни фазилат деб эълон қилиш, юксак идеаллар йўлида курашиш жасоратдир. Билимларни кўпайтириш, олимларни кундалик ташвишлардан халос этиш жамиятни бошқараётган кишиларнинг бевосита бурчи деб ҳисоблайди.

Беруний илмий изланишларнинг самарали бўлиши учун аввало олимнинг “ишончли, йўлда бўлиши... сўнгра ҳосил бўлган натижасига хотиржам (қараб), бундаги амални тўлиқ ёзиши ва унинг бирор ихатини сир тутмаслиги керак” [4: 63] деб фикр билдиради.

Ўз даврининг қомусий олимларидан яна бири Абу Али Ибн Сино бўлиб, асосан “Донишнома” асарида фалсафий қарашлари келтирилган. Алломанинг фан этикасига доир фикрлари ҳам шу асарда баён этилган. “Қадимий ҳикмат фанларидан бештасининг асослари ва масалаларини қисқача қамраб олиши лозим” [5: 60] деб айтади файласуф. Аллома китобни беш бўлимга бўлади. Булардан биринчиси инсон ақли ва тафаккури билан боғлиқ бўлган мантиқдир. Унда инсон билимини иккига бўлади, тушунув ва фикрловга. Бу икки тур тушунча икки хил бўлади. Биринчиси бирор нарсага тафаккур воситасида эришилади, унга фақат ақлгина эришиши мумкин. Иккинчисига эса ақл ёрдамида эмас, балки бирор бошқача усулда эришиш [6: 182] эканлигини таъкидлаб, “ҳар қандай амалиёт билимга асосланганлиги, билимга асосланган амал мисоли, геометр ёки шифокор амалиёти уларнинг

билимларига мувофиқлигидир” [7: 140], деб мулоҳаза билдиради. Билимнинг амалиёт билан боғланиши фаннинг ахлоқий меъзони эканлигига тўхталади.

Ғарб файласуфларидан Пол Фейерабенд фан этикасида олимнинг масъулияти хусусида тўхталиб ўтади. Унинг фикрича “...ҳозирги замон олими энг баҳсли ғояларни виждони қийналмай ҳимоя қилишга қодир. У бирон-бир муассаса ва мафкурага нисбатан доимий муҳаббат ёки нафрат туйғуларини ҳис этмайди. Унинг мақсадлари барқарор бўлиши ёки мулоҳазалар, зерикаш, тажрибанинг ўзгариши ёки атрофдагиларда кучли таассурот қолдириш нияти таъсирида ўзгариши мумкин. У мақсадга ё бир ўзи, ё уюшган гуруҳ ёрдамида эришишга ҳаракат қилиши мумкин. Бунда у ақл-идрок, эмоциялар, мутойиба, “жиддий манфаатдорлик позицияси” ва одамлар ўйлаб топган ҳар қандай воситалардан фойдаланиши мумкин. У доим универсал ғоялар ва универсал андозаларга очиқ-ойдин қарши чиқади. У илмий ҳалолликни шижоат билан ҳимоя қилишда ҳар қандай Нобель мукофоти соҳибидан ўзишга қодир” [8: 333]. Макс Вебер эса олимнинг бурчи ўзини, ўз тафаккурининг инерциясини тинимсиз енгишдан иборат [9: 374], деб ҳисоблайди.

Тарихда ҳам, бугунги кунга келиб ҳам замонавий олимнинг ижтимоий масъулиятида олим ўз илмий фаолиятининг методлари ва мақсадлари учун ҳам, унинг натижалари ва оқибатлари учун ҳам жамият олдида жавобгар бўлиши лозим. Чунки фан ўз кашфиётлари жамиятга келтирадиган фойдани ўз хизмати деб билар экан, у мазкур кашфиётларнинг зарарли оқибатларида ўзини айбдор деб билиши керак. Олимнинг нейтраллиги унинг илмий ҳақиқатга амал қилиш, муайян кадриятлар ва ижтимоий-маданий мўлжалларга ўз муносабатидан қатъи назар, бу ҳақиқатни ҳимоя қилишга интилиши билангина чекланиши лозим.

Бундан ташқари, ўз илмий фаолиятининг мақсадлари ва методларига олимларнинг ўзлари ахлоқий нуқтаи назардан баҳо беришлари, ахлоқий меъёрларни бузиш билан боғлиқ бўлган тадқиқотлардан воз кечишлари шарт. Олимларнинг ижтимоий масъулияти масаласи атом қуроли яратилиши

муносабати билан айниқса долзарб аҳамият касб этдиб борди. Эндиликда фан ютуқлари экологик, биологик ёки бошқа хил ҳалокатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолда ушбу масала кўтарилади. Ҳозирги вақтда олимларнинг ижтимоий масъулияти ғоясини кўпчилик эътироф этмоқда. Лекин, маълум бир ютуқларга эришган олимлар ўз мавқеини сақлаб қолишга ҳаракат қилиб, ўзлари фанга қўшган ҳиссасига мувофиқ бўлган мавжуд тасаввурлар тез алмашишидан манфаатдор бўлмайди. Шу сабабли олим меҳнати табиатнинг “Буюк китоби” саҳифаларида ўз изини қолдириш умиди билан боғлиқ бўлиб қолади. Физик, математик ва файласуф Филипп Франк олимларни ҳамма нарсани соддалаштиришда кўп айблашларини қайд этади. Бу тўғри: соддалаштиришсиз фан мавжуд бўлиши мумкин эмас. Олимнинг иши оддий таърифларни топишдан иборат. Олим бирон-бир оддий тушунчага таъриф берганидан сўнг, у мазкур таърифдан кузатилаётган фактларни чиқариши, сўнгра улар кузатиш билан амалда мувофиқ эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун бу оқибатларни текшириши лозимлигини таъкидлайди [10]. Олимлар баъзан қўлланилаётган атамалар ва назарияларнинг аниқ-равшан кўриниб турган маъносини тушунишни хоҳламайдиган ўз ҳамкасбларининг хулқ-атворини ҳар хил баҳолайдилар. Баъзи олимлар ўз мойилликлари ва фикрларида ўта беқарор бўлиб, баъзан уларни ҳатто бутунлай қарама-қарши нуқтаи назар билан алмаштиришлари ва интеллектуал рақиблар томонига ўтишлари мумкин. Натижада олим – ҳақиқат, ягона ва объектив ҳақиқат рицари, деган идеал шубҳа остида қолади. Агар баҳсда ҳақиқат туғилгудек бўлса, у ҳар хил фикрлар, қарама-қаршилиқлар ва бир-бирини инкор этувчи нуқтаи назарларга қарамай, олимлар эришадиган муросаси мадора маҳсули ҳисобланиб қолади.

Физик ва файласуф Жеральд Холтон Альберт Эйнштейннинг олимни ҳаракатлантирувчи омиллар ҳақидаги фикрларига таяниб, олимнинг илмий масъулияти хусусида қуйидаги моделни таклиф қилади: “Олим, мутафаккир ёки ижодкор тажрибада юзага келган дунёнинг тартибсизлигидан яшириниш учун оламнинг соддалаштирилган аниқ қиёфасини яратади ва унга ўз

эмоционал ҳаётининг оғирлик марказини жойлаштиради” [11: 127]. Олим тадқиқот объекти яхлит ва тўлақонли эканлигига ўзини ишонтириб, экспериментнинг қатъий белгиланган чегаралари узиб юборган объектнинг ўзаро алоқалари олинган натижаларга таъсир кўрсатмайдиган, иккинчи даражали деб баҳолайди. Олим турли хил объектларни идеаллаштиришга мажбур бўлади, акс ҳолда у эксперимент ўтказа олмайди, яъни табиат олдига ўзи таърифлаган айрим саволларни қўйиб, уларга ўзини қаноатлантирувчи жавоблар ололмайди.

Умуман олганда, фан этикасининг муҳим вазифаси фанни тадқиқ этувчи олимнинг ахлоқий қиёфасини тарбиялаш, унда инсон ва инсоният тақдири учун жавобгар эканлигини англатувчи масъулият туйғусини тарбиялашдан иборатдир. Олимнинг ижтимоий ва илмий масъулияти ўз тадқиқотларининг инсоният тинчлигига, саломатлигига, атроф-муҳитнинг экологик мувозанатига қарши қаратмаслигидадир. Турли хил шахсий даромадлар пайида инсониятга қарши кимёвий ва биологик куролларни ишлаб чиқарувчи олимлар фаолиятини ҳеч қандай йўл билан оқлаб бўлмайди. Бундай олимларда фан этикаси ва олимнинг масъулияти бўлмайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Тураев Б. Фан этикаси. <http://www.bukhari.uz/?p=11373>
2. Полани М. Личностное знание. – М.; 1985. – С.208.
3. Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар. – Т.: Фан, 1983, – Б.59.
4. Беруний Абу Райҳон. Танланган асарлар. Т.1. – Т.; Фан, 1968. – Б. 63.
5. Ибн Сина. Избранные философские произведения. – М.;“Наука”. 1980. – С. 60.
6. Қаюмов Азиз. Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино. – Т.; 1987. – Б. 182.
7. Абу Али Ибн Сино. Избранные произведения. – Душанбе.; 1980. – С.140.

8. Фейерабенд П. Избранные произведения по методологии науки. – М., 1986. – С. 333.
9. Вебер М. Избранные произведения, –М.; Прогресс, 1990. – С.374.
10. Франк Ф. Философия науки. Связь между наукой и философией. – М.: ЛКИ. 2007. <https://www.livelib.ru/author/27829/top-filipp-frank>
11. Холтон Дж. Что такое антинаука // Вопросы философии. 1992. №2. – С.127.